

Пайғамбаримизни хижрати.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْقُرَشِيِّ وَعَلَىٰ عَالِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَىٰ جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллоллоху ‘алайхи вассаллам Маккадан Мадинага Аллоҳни амри ила хижрат этди. У асло мушриклардан қочмаган. Чунки Аллоҳни расули бу каби нарсалардан узокдир. Маккани раислари Пайғамбаримизни олдига келиб: «Сен бу даъвонгдан воз кеч, сени Маккани энг бой кишиларидан қиламиз» деганларида Пайғамбаримиз буни қабул қилмади. Аллоҳни расули соллоллоху ‘алайхи вассаллам Исломга урушсиз очик равишда яширмасдан даъват қиларди. Хаж мавсумида мушриклар Каъба атрофида тупланганларида Пайғамбаримиз уларни исломга даъват қилиб «Аллоҳдан узга илоҳ йуқ деб айтинг қутуласиз» дер эди. Пайғамбаримиз инсонларни адолатга эхсонга ва гузал ахлоққа даъват этди. Турли хил ёмонликлардан гуноҳлардан узоклашишга насихат қиларди. Абу Бакр, ‘Усмон, ‘Умар, ‘Али, Билол ва бошқалар Пайғамбаримизга имон қилдилар ва булар исломга киргандан сунг мушрикларни уларга етказадиган азиятлари купайди. Пайғамбаримизни хижратидан олдин мушриклар хар қабиладан бир одам туплаб Пайғамбаримизни улдириш учун режа туздилар.

Жаброил ‘алайхиссалом келиб Пайғамбаримизга қуйилган тузоқдан хабар бериб бу кеча урнида ётмаслигини айтди ва Абу Бакр билан бирга Маккадан Мадинага хижрат қилишга изн берилди. Пайғамбаримиз соллоллоху ‘алайхи вассаллам хазрати Алига бу кеча Пайғамбаримизни жойида ётишини ва яшил мато билан устини ёпишини ва унга хеч нарса булмаслигини айтди. Пайғамбаримиз ташқарига чиқарқан ховучига тупроқ олиб уни улдиришни режалаштириб турган мушрикларни устларига сочиб Ёсини-Шарифдан баъзи оятларни уқий бошлади. Шундан кейин мушриклар олдиларидан утиб бораётган Пайғамбаримизни курмадилар. Тонг отганида мушриклар Пайғамбаримизни улдириш учун ичкари кирганларида Пайғамбаримизни ётоғида ‘Али радиёллоху анхуни курдилар. Шундан сунг отларига миниб Пайғамбаримизни излашга кетдилар. Бу пайтда Аллоҳни расули сафдоши билан бирга Савра ғорига борган эдилар. Улар Савра ғорида эканликларида мушриклар келдилар. Аллоҳ Пайғамбаримизни ва уни сафдошини саклади. Мушриклар горни огзидаги турни куриб оркага кайтиб кетдилар. Фақат Абу Бакр Пайғамбаримизга зарар етмасин деб қурқа бошлади.

Шунда Пайғамбаримиз соллоллоху ‘алайхи вассаллам Абу Бакр радиёллоху анхуга айтдики: «Эй Абу Бакр бизни саклайдиган Аллоҳдир».

Бу вақтда мушриклар ғорни оғзидаги турни куриб оркага қайтиб кетдилар ва Пайғамбаримизни бошқа жойдан ахтара бошладилар. Аллоҳни расули соллоллоху ‘алайхи вассаллам сафдоши билан бирга Мадинага йул оладилар. Мадинага борганларида мусулмонлар уларни севинч билан қаршилаб, «Тала-ал Бадру Алайна» қасидасини айта бошладилар. Аллоҳни расули Мадинада Ислом давлатини куриб, Аллоҳни билдирганларини, Ислом асосларини Аллоҳ билдиргани каби инсонларга ургатди. Аллоҳ бизни комил имон билан вафот қилдирсин.

Намоз-Аллоҳга ва Расулига имондан сунг энг яхши амалдир. الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْقُرَشِيِّ وَعَلَىٰ آلِهِ وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَىٰ جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Аллоҳу Таала «Ал-Анкабут» сурасининг 45 оятида шундай буюради:

إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ

маъноси:»Мухакқақки Намоз гунохлардан ва ёмонликлардан узоқлаштиради.»
Намоз Аллоҳга ва Расулига имондан кейин қилинган амалларни энг яхшисидир
яъни ислом динини энг фойдали амрларидан биридир. Ким Намозни рукнларини
фарзларига ва шартларига кура уйғун бир шаклда яъни Аллоҳ буюргани каби қилса
намоз уни гунохлардан ва ёмонликлардан узоқлаштиради.Имом Муслим ривоят
қилган бир хадисда Пайғамбаримиз шундай буюради:

بَيْنَ الْعَبْدِ وَالْكَفْرِ تَرْكُ الصَّلَاةِ

Бу хадисни маъноси шуки:мусулмон киши намозни тарк қилса яъни дангасалик
қилиб намозни тарк қилган кишини гунохи буюқдир.

Фақат ислом динидан чиқмайди ва кофир булмайди мусулмондир. Аммо намозни
фарз эканлигини инкор қилган киши кофирдир ва лаънатлангандир.Баъзи инсонлар
намоз уқийдиган гунохкор кишилар хақида уқиган намози унга фойда
бермаслиги хақида гапирадилар. Бу ноътуғри фикрдир.Намоз уқийдиган гунохкор
кишига «Уқиган намозинг сенга фойда бермайди .намоз уқимасанг сен учун жуда
яхшидир» деб айтиш мумкин эмас чунки бу суз орқали инсон ислом динидан
чиқади.Баъзилар туғри булмаган бир хадисни курсатиб кишини намози унга фойда
бермаса ёки уни ёмонликлардан узоқлаштирмаса уқиган намозини фойдаси йуқ
дейдилар. Бу ноътуғри фикрдир.Аллоҳни Расулидан кечалари намоз уқийдиган ва
кундузлари хирссизлик қиладиган киши хақида сураганларида Пайғамбаримиз
шундай буюрди:

سَنَّاهُ صَلَاتَهُ

маъноси :Уқиган намози уни хирссизликлардан узоқлаштиради.Бу хадисни Анас
бин Малик ва Абу Хурайра ривоят қилган.Агар бир киши Аллоҳ хақида шубха
қилса ёки Пайғамбарга шубха қилса ёки Куръонга Жаннат ва Жаханнамга шубхаси
булса бу инсон мусулмон эмас кофирдир.Бир кофирга уқиган намозинг сенга фойда
бермайди деб айтиш мумкин. Чунки кофир куфрдан чикиб исломни қабул
қилмагунича уқиган намози қабул булмайди.Кофир булган киши хайрли иш қилмок
учун садақа ва эхсон берса унинг учун охиратда савоби йуқдир.Аллоҳ «Иброхим»
сурасининг 18 оятида буюрадики:

مَثَلُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِرَبِّهِمْ أَعْمَالُهُمْ كَرَمَادٍ اشْتَدَّتْ بِهِ الرِّيحُ فِي يَوْمٍ عَاصِفٍ

Маъноси:Кофирларни қилган амаллари мисоли шамол олов кулини учургандек
бекор учиб кетади.Фақат бу кофир калимаи шаходатни айтиб ёки шу маънони
берадиган сузни айтиб Исломга кириб мусулмон булса Яъни Аллоҳни маконсиз
борлигига Аршда утирмаслигига хар ерда булмаслигига хеч нарсага ухшамаслигига
ишонган ва Пайғамбарларни барчаси Ислом дини билан келганликларига Исломдан
чиқарадиган нарса қилмаганликларига катта ва кичик қиймат даража туширадиган
гунох қилмаганликларига

Аллоҳни нозил қилган китобларига унинг фаришталарига охират кунига ва тақдирга
яъни яхшилик ва ёмонликни Аллоҳ яратганига ва тақдир Аллоҳни иродаси билан

булишига имон қилган яримта хурмони садақа деб бир фақирга Аллоҳ ризоси учун берса умид қилинадика Аллоҳ уни бу берган садақаси сабаб булиб жаханнам оташидан халос қилади. Бу инсонларни кузи олдида кам курингани билан савоби жуда купдир. Пайғамбаримиз соллоллоху ‘алайхи вассаллам утган Пайғамбарлар билан боғлиқ булган бир мусулмонни холидан хабар бериб шуни билдирди: Бир одам йулда мусулмонларга азият етказадиган нарса куради ва уни йулдан олиб ташлайди. Бу инсон буюк гунохлар сохиби эди. Аллоҳу Таала уни бу қилган хайрли иши учун дузах азобидан халос қилди.

Аллоҳу Таала Куръони Каримда буюрадики:

فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ

маъноси: Намозни вақтида қилмаганларга вайл-шиддатли азоб бор. Агар намозни сабабсиз кечиктириб вақтида уқимаганни холи шу булса умуман намоз уқимаганни холи қандай булади? Эй намоз қилмаган ва намозни вақтида қилмаган! Аллоҳга тавба қил тавбани қанчалик кечиктирсанг у қадар устингда гунохлар йиғилади. Тавба эшиклари ёпилмасидан олдин Аллоҳга тавба эт. Қандай гунох булса хам ихлос билан қилинган тавба қабул булади. Аллоҳ Жалла Жалааллуху Куръонда буюрадики:

وَهُوَ الَّذِي يَقْبَلُ التَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِ وَيَعْفُوا عَنِ السَّيِّئَاتِ

маъноси «Аллоҳ қулларидан тавбани қабул қилади ва уларни гунохларини кечиради. Аллоҳ қилган амалларингизни билгувчидир.» Эй мусулмон биродарим! Фарз булган беш вақт намозни қилмаган қариндошларинга давомли насихат қил! Тавба қилсинлар ва охират азобидан қутилганларни саломат карвонига қушилсинлар. Намозни Аллоҳга ва Пайғамбарга имондан кейин энг фазилатли ибодат эканлигини уларга эслат. Намоз қилмаганларга ибрат булсин деб сизларга бир хикояни эслатмоқчимиз: Бир куни бир мусулмонни синглиси вафот қилади ва уни дафн қиладилар. Орадан бир оз вақт утгандан кейин у киши хамёнини синглисини қабрига туширганини эслайди. Бу воқеани айтиш ва маслахат сураш учун муфтини олдига боради. Муфти унга қабрни очишни ва хамённи олишликни маслахат беради. У киши синглисини қабрига бориб хамённи олиш учун қабрни очади ва синглисини юзини ёнаётган холда куради. Бошка бир ривоятга кура қизни бошида бир илон булиб уни оғзидан кириб қорнини еяётган булади. Бу воқеани кургандан кейин у киши тезда онасини олдига келиб сурайди: «Она қизинг уйда нима қиларди?». Онаси: «Уғлим синглинг менга қарши чикмасди фақат намозини вақтида қилмасди яъни кечиктириб қазога қолдирарди.»-деди. Агар намозни вақтида қилмаганни холи шу булса Намозни умуман уқимаганни холи қандай булади?. Аллоҳ бизни комил имон билан вафот эттирсин!

Тилни муҳофаза этмоқ.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Аллоҳ Жалла жалааллуху «Нур» сурасида буюради:

يَوْمَ تَشْهَدُ عَلَيْهِمْ أَلْسِنَتُهُمْ وَأَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

маъноси: Охиратда инсонни тили қуллари ва оёқлари қилган амалларига гувоҳлик беради. Имом Муслим ва Имом Бухарийдан ривоят қилинган бир хадисда Пайғамбаримиз шундай буюради:

مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ

«Кимники имони комил булса ё яхшиликни гапирсин ёки жим турсин.» Чунки Аллоҳга имон килган Аллоҳни азобидан куркади ва Аллоҳни ризосига ва берадиган ажрига уйгун амал килади яъни амрларни тадбик килади харомлардан сакланади ва бутун аъзоларини харомдан мухофаза килади. Чунки булар учун жавобгардир. Аллоҳ Жалла Жаллаллуху «Исра» сурасида шундай буюради:

إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا

маъноси: «Инсон эшитган курган ва калбидан кечирган нарсаларига жавобгардир.» Имом Термизийдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай буюради:

وَهَلْ يَكُفُّ النَّاسَ فِي النَّارِ عَلَى وُجُوهِهِمْ إِلَّا حَصَانِدُ أَلْسِنَتِهِمْ

маъноси: «Инсонларни жаханнамга юзтубан отилишларига сабаб уларни тилларидир.» Буни билган киши фарз амалларни килиб харомлардан кочади ва яхшиликни гапирди ёки жим туради. Бу тил неъматини Аллоҳ розилигида, Аллоҳни зикр этишда, ибодатда, яхшиликни амр килишда, ёмонликлардан саклаб яхшилик ва фойда келтирадиган амалларда кулламоқ керак. Инсонларга сукмок, гунох ишлардан тилини сакламаслик, бошкаларга зарар берадиган гийбат ва инсонларни хаксиз лаънатламоқ буюк гунохлардандир. Тилини ёмонликда куллаган инсон уз нафсини халокатга ташлаган булади.

ТИЛНИ ЭНГ БУЮК

ГУНОХИ.

Биз бу ерда тил билан килинган энг хавфли булган куфр гунохини билдирмокчимиз. Яъни Аллоҳга, Пайгамбарларга, Фаришталарга, Ислом динига Куръонга сукмок куфрдир. Динда ва инсонлар орасида харом булган зино килмок, ичкилик ичмок каби харомларни халол килмок; Ва инсонлар орасида халол булган нарсаларни харом килмок инсонни куфрга туширади. Ислом олимлари инсонларни лафзий(яъни тил билан килинган) куфрдан огохлантириб уларга ахамият берганлар. Буларни китобларида очиклаганлар. Бу олимлардан имом Ан-Нававий ва юз йил олдин муфти булган Аш-Шайх Абдулбосит Ал-Фахурий китобларида ёзиб колдирганлар. Сахоба Абдуллох ибни Маъсуд бир кун тилини тутиб шундай деди: «Эй тил яхшиликни сузла кутилсан, пушаймон булмасингдан олдин сукут сакла омонликда буласан. Чунки мен Аллоҳни Расули алайхиссаломдан шуни эшитдим: Одам углини гунохларини купи тилидандир» Имом Муслим ва Имом Бухорийдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай буюради:

إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مَا يَتَّبِعُنُ فِيهَا يَهْوَى بِهَا فِي النَّارِ أَبَدًا مِمَّا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ
رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

маъноси: «Хакки инсон уйламай бир сузни айтадида бу айтган сузи уни дузахда машрик билан магриб ораси каби узокликка тушишига сабаб булади.» Аллоҳ хаммамизни куфрдан сакласин!

Аллоҳга тавба килмок.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى آلِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Аллоҳ Жалла Жалаллуху Куръони каримда буюради:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ

маъноси: «Эй муминлар Аллоҳга тавба килингизки кутилишга эришасиз.» Ибни Мажанинг ривоят килган бир хадисида Пайгамбаримиз шундай буюради:

التَّائِبُ مِنَ الذَّنْبِ كَمَنْ لَا ذَنْبَ لَهُ

маъноси: «Гунохлардан тавба килган киши ҳеч гуноҳ килмаган кабидир.»Тавба гунохлардан кайтиш ва сакланишдир. Гафлат эса Аллоҳни бизга фарз килган нарсаларини ташлаб гуноҳ ишларни килмокдир. Уз нафсига ҳоким булган харомлардан узоклашган Аллоҳ ва расули рози буладиган амалларни килган инсон акли мусулмондир.Ва нафси бир кун шахватларга тушишига ва харом ишлар килишига сабаб булса акли мусулмон биладики, Аллоҳ кечиргувчидир ва мархаматлидир. Ва гуноҳи канчалик куп булса ҳам биладики, тавба килса Аллоҳ буларни хаммасини кечиради.Етарки тавбани тугри бир шаклда килсин. Аллоҳ Куръони Каримда буюрадики:

قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا
إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

маъноси:

«Эй гуноҳкор бандалар, Аллоҳни раҳматидан умидингизни узмангиз, чунки Аллоҳ гуноҳларни хаммасини кечиради ва у кечиргувчидир, мархаматлидир.» Аллоҳни раҳматидан умидни узмок; Кишини нафсида Аллоҳ уни кечирмаслиги, унга раҳмат этмаслиги ва уни азоблаши каби шаклда тушинмокдир.Ва Аллоҳни раҳматидан умидни узмок буюк гуноҳлардандир. Мусулмон биродар шариат худудидаги амрларни килиб, нафсингни гуноҳлардан сакла! Нафсинг сенга гуноҳ килишга васваса килса бунга мусода килма,агар бу гуноҳ кичик булса ҳам.Баъзи инсонлар борки, гуноҳ килганларида бундан лаззатланадилар ва бу гуноҳни зулматида коладилар.

Тавбани турлари.

Комил булган тавба

–шартларига кура килинган тавбадир ва инсонни килган бутун гуноҳларидан кайтишидир.Комил булмаган тавба эса инсонни килган гуноҳларини бир кисмидан кайтиб, бир кисмидан кайтмаслигидир. Аллоҳ Куръони Каримда буюрадики:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ
سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُم جَنَّاتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ

Бу оятда имон келтирганларга Аллоҳ буюради «Аллоҳга комил тавба килинглр,Раббингиз гуноҳларингизни кечирсин ва ичида анхорлари булган жаннатга кирдирсин». Комил булган тавба инсонни бошка килмаслик нияти билан бутун гуноҳлардан кайтишидир.Комил булмаган тавба эса гуноҳларни бир кисмидан кайтиб, бир кисмидан кайтмаслигидир.

Тавбани шартлари.

Тавбани кабул булиши учун шартлари бордир: 1-Гунохларни кайта килмаслик яъни гунохларни ташламок. Ичкилик ичган кишини тавбаси кабул булиши учун ичкиликни ташлаши фарздир.

2- Бу гунохни кайта килмасликга ният килмок яъни килган гунохига бошка кайтасликка калбида ният килиши керак.Агар бошка гунохга кайтмасликка ният килгандан кейин нафсига енгилиб айна гунохга тушса килган бу гунохи унга ёзилади. Агар эски гунохларидан тугри бир тавба билан кайтган булса эски гунохлари унга янгидан ёзилмайди.

3- Килган гунохидан пушаймон булиши керак. 4- Агар гунохи кул хакки булса (масалан хаксиз бировни урмок, ёки бировни молини хаксиз емок каби;) мухаккаки кул хакини бериб гунохидан чикмок керак. Имом Муслимдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай буюради:

маъноси Аллоһ инсонни тавбасини рухи гаргарага бормасидан олдинги муддатгача кабул килади. 5- Тавбани гаргара холидан олдин килиш шартдир. Хар кимники рухи бугзига келиб гаргара холига борса ундан тавба кабул булмайди. Ва рух бугзига бормасидан олдин тавба этмок шартдир.Куёш кунботардан чикмасидан олдин тавба килмок шартдир.Ибни Хиббан ва Ат-Термизийдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз буюради:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ”إِنَّ فِي الْمَغْرِبِ بَابًا خَلَقَهُ اللَّهُ لِلتَّوْبَةِ مَسِيرَةَ عَرَضِهِ سَبْعُونَ عَامًا لَا يُغْلَقُ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ مِنْهُ“، رواه ابن حبان والترمذي.

маъноси: «Кунботарда бир эшик бор. Аллоһ уни тавба учун яратгандир ва уни кенглиги 70 йиллик масофадир. Куёш кунботардан чикмагунча у эшик ёпилмайди.» Тавба килмай улган гунохкор мусулмонлар икки кисмдир.1-кисм Аллоһ уларни раҳмати билан дузах азобидан халос килади,ва жаннатга азобсиз киргизади.2- кисм эса азобни тортгандан кейин дузахдан чиқарилиб жаннатга киргизилади ва улар жаннатда абадий қоладилар. Гунохкор мусулмон дузахда абадий қолмайдилар,чунки куфр холида улганлар яъни кофирлар дузахда абадий қоладилар.Имом Бухорийдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз соллоллоху алайхи вассаллам шундай буюради:

يَخْرُجُ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَفِي قَلْبِهِ وَزَنُ دُرَّةٍ مِنْ إِيْمَانٍ

маъноси: «Кимки ла илаха иллоллоох деб, калбида зарра қадар имони булса жаханнамдан чиқади.» Фақат куфр ва ширк холида улган инсонларни Аллоһ кечирмайди. Чунки Аллоһ Куръони Қаримда билдирдики:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ مَاتُوا وَهُمْ كُفَّارٌ فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ

маъноси: «У кишилар кофир булдилар ва инсонларни Аллоһни динидан тусдилар яъни уларни динга киришларига тусик булдилар.Кейин кофир холида улдилар.Аллоһ уларни кечирмайди.» Бошка бир оятда эса шундай буюради:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ

Маъноси: «Аллоһ кофирларни кечирмайди.» Фақат куфр килмаган ва куфрга тушмаган инсонлардан хохлаган кишиларни гунохларини кечиради. Мусулмон биродар вақтинг утмасидан олдин тавба этибодатларингни кил ва Аллоһни фарзларига аҳамият бер ва амал кил! Дуо: «Ей Роббимиз гунохларимизни кечир ва бизни имон билан вафот килдир.»

Узини ва кариндошларини жаханнамдан сакламок.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى ءَالِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Аллоҳ Жалла Жалаллуху Ат-Тахрим сура 6-оятида буюрадики:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا

Маъноси: Эй имон келтирганлар узингизни ва ахлингизни жаханнамдан саклангиз. Узимизни ва ахли оиламизни жаханнамдан кандай саклаймиз? Факат Аллоҳни бизга фарз килган нарсаларини урганиб ва амал килиш билангина саклай оламиз.

طَلَبُ

Пайгамбаримиз соллоллоху алайхи вассаллам:

الْعِلْمُ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ

Имом Ал-Байхакийдан ривоят килинган бу хадисни маъноси шуки илм урганиш хар мусулмонга фарздир. Яъни балогатга етган, акли жойида булган эркак ёки аёл булсин, ёш ёки кекса булсин, бой ёки факир булсин, врач ёки чупон булсин амал килиши ким булишидан каътий назар динда фарз булган илмни урганиши ва фарздир. Энг аввал дин илмини урганиши керак. Аллоҳ Мухаммад сурасининг 19-оятида:

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاسْتَغْفِرْ لِذَنْبِكَ

Олимларимиз бу оят икки нарсани билдириши хакида айтганлар, яъни аввал имон илмини кейин эса фикх ибодат илмини урганиш керак. Чунки

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ имон илмини урганишга ва

وَاسْتَغْفِرْ لِذَنْبِكَ фикх илмини урганишга

ишоратдир. Аллоҳ имон илмини урганишликни фикх илмини урганишдан устун килди, мусулмонлар билсинларки имон илми фикх илмидан анча устундир. Имом Абу Ханифа радиёллоху анху Фикх ул Ал-Абсат китобида билдирадики:

• **إِعْلَمُ أَنَّ الْفِقْهَ فِي الدِّينِ أَفْضَلُ مِنَ الْفِقْهِ فِي الْأَحْكَامِ**

Аҳкамна ҳада қилъ дâк ва имом Аш-Шофъий радиёллоху анху буюрадики:

Бу икки буюк олимни айтганларидан шуни тушинамизки фикх илмини урганишдан олдин имон илмини урганишимиз керак. Бу ақида илми бизга Аллоҳга лойик булган ва Пайгамбарига лойик булган сифатларни билдиради, айни вақтда Аллоҳ ва Пайгамбарларига лойик булмаган сифатлардан поклигини билдиради. Имом- Ал-Газзалий раҳимахуллох буюрадики:

لَا تَصِحُّ الْعِبَادَةُ إِلَّا بَعْدَ مَعْرِفَةِ الْمَعْبُودِ

маъноси: Аллоҳни танимагунча ибодат тугри булмади. Ибодат факат Аллоҳни танигандан кейингина тугри булади. Аллоҳни танимок эса Ахмад АР-Рифайй буюрганидек:

عَايَةَ الْمَعْرِفَةِ بِاللَّهِ الْإِيقَانُ بِوُجُودِهِ تَعَالَى بِلَا كَيْفٍ وَلَا مَكَانٍ

Аллоҳни танимок Аллоҳ яратилганларга ухшамаслигига ва маконсиз ерсиз борлигига ишонмокдир. Имом Ахмад ва имом Зунний Ал-Мисрий буюрадики:

مَهْمَا تَصَوَّرْتَ بِبَالِكَ فَاللَّهُ بِخِلَافِ ذَلِكَ

маъноси: Аллоҳ яратилганларга ухшамайди, у ақл ёки фикр ва хаёл этиладиган ёки тушуниладиган нарса каби эмас. Жисмдан макондан

шаклдан, утиришдан ва хар кандай ерга бирлашишдан покдир яъни уларга ухшамайди ва уларга эхтиёжи йукдир. Имом Али радийаллоху анху айтадики:

إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ الْعَرْشَ إِظْهَارًا لِقُدْرَتِهِ وَلَمْ يَتَّخِذْهُ مَكَانًا لِذَاتِهِ

маъноси: «Аллоҳ Аршни узини кудратини курсатиш учун яратган,асло узига жой килиб эмас.»Ханафий мазхабини улуг олимларидан булган Абу Жаъфар Ат-Тахавий ахли суннат вал жамоат эътиқодини билдирадиган «Ат-Тахавия акидаси» номли китобида билдиради:

تَعَالَى عَنِ الْحُدُودِ وَالغَايَاتِ وَالْأَرْكَانِ وَالْأَعْضَاءِ وَالْأَدْوَاتِ لَا تَحْوِيهِ الْجِهَاتُ السَّتُّ كَسَائِرِ الْمُبْتَدَعَاتِ

Маъноси: «Аллоҳни чегараси ёнлари йук, катта-кичик аъзолари йук. Аллоҳни яратилганлар каби олти йуналиш урамайди.» Бу олим Аллоҳни яратилганларни сифати билан сифатлайдиган кишилар хакида шундай дейди:

وَمَنْ وَصَفَ اللَّهَ بِمَعْنَى مَنْ مَعَانِي الْبَشَرِ فَقَدْ كَفَرَ

маъноси: «Хар кимки Аллоҳни яратилганларни сифати билан сифатласа кофирдир.» Инсонларни сифатлари купдир.Масалан: юрмок, утирмок, турмок, секин ёки харакатли холда булмок,чикмок-тушмок, кучланмок ёки заиф булмок, бир холдан бир холга узгармок; бу каби сифатларни Аллоҳга нисбатан куллаган инсон кофир булади. Аллоҳ Жалла Жалаллуху «Али-Имрон» сурасини 19-оятда билдирадики:

إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ

маъноси: «Аллоҳ нозил килган хак дин Исломдир.» Имом Ал- Бухорийдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай буюради:

الْأَنْبِيَاءُ إِخْوَةٌ لِعَلَّاتٍ دِينُهُمْ وَاحِدٌ وَأُمَّهَاتُهُمْ شَتَّى

Бу оят ва хадисдан шуни тушунамизки, барча Пайгамбарларни дини Исломдир.Илк Пайгамбар Одам алайхиссаломдан тортиб Мухаммад алайхиссаломгача келган барча Пайгамбарлар мусулмондирлар ва инсонларни Ислом динига даъват этганлар.Барча Пайгамбарлар Пайгамбарликдан олдин ва кейин куфрдан,катта ва кичик киймат даража туширадиган гунохлардан сакланганлар. Аллоҳ «Ал-Анъом» сурасининг 86-оятда билдирадики:

وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ

Маъноси: Барча Пайгамбарлар яратилганларни энг устунидирлар. Билингизки Иброхим алайхиссалом куёшга, юлдузга,ойга ибодат килмаган ва у мушрик булмаган. У Аллоҳдан бошкага ибодат килмаган. Аллоҳ Жалла Жалаллуху Иброхим алайхиссалом хакида «Ал-Анбиё» сурасининг51-оятда билдирдики:

وَلَقَدْ آتَيْنَا إِبْرَاهِيمَ رُشْدَهُ مِنْ قَبْلِ

Бу оят бизга Иброхим алайхиссаломни тугилгандан бери мусулмон булганини ва Роббини таниганини билдиради ва яна «Али-Имрон» сурасини 67-оятда

مَا كَانَ إِبْرَاهِيمُ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ

Бу оят Иброхим алайхиссаломни яхудий булмаганини, христиан булмаганини, мушрик булмаганини ва покиза бир мусулмон булганини билдиради. Куёшга , юлдузга ва ойга ибодат килган кишилар мушриклардир. Юсуф алайхиссалом асло зинога ният килмаган ва у зино килмаган . Чунки уни зинога тушмаганини билдирадиган «Юсуф» сурасининг 51-оятда Аллоҳ билдирдики:

قَالَتْ امْرَأَةُ الْعَزِيزِ الْآنَ حَصْحَصَ الْحَقُّ أَنَا رَاوِدْتُهُ عَنْ نَفْسِهِ وَإِنَّهُ لَمِنَ الصَّادِقِينَ

маъноси: «Подшоҳни хотини айтдики мен ундан зино истадим ва у тугри инсонлардандир» Аллоҳ барча Пайгамбарларни яратилганларни энг устуни килганини билдирадиган бу оят ва Имом Ат-Термизийдан ривоят килинган бир хадисдан тушунамизки:

مَا بَعَثَ اللَّهُ نَبِيًّا إِلَّا أَحْسَنَ الْوَجْهَ حَسَنَ الصَّوْتِ

маъноси: «Аллоҳ барча Пайгамбарларни гузал юзли ва гузал сузли килиб яратган» Аййуб алайхиссалом асло куртламаган, чунки Аллоҳ барча Пайгамбарларни инсонлар жирканадиган касалликлардан саклаган. Муса алайхиссалом дудукланмаган ва уни огиз касаллиги булмаган. Аллоҳ хамма нарсани билгувчидир.

Ридда ва муртад.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى آلِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Ридда куфрдан бир кисмдир, чунки куфр икки кисмга булинади. **1-ширк яъни Аллоҳга шерик кушмок-** яъни Аллоҳдан бошкага ибодат киладиганлар каби. **2-Ридда яъни Ислом динидан алокани узмок ва ёки Исломдан чикмокдир.** Олимлардан булган Лубнан собик муфтиси Аш-Шайх Абдулбосит Ал Фахурий раҳимахуллох «Ал-кифоя ли зави ал ьинайа» номли китобида шундай ёзади: Ридда мукаллаф булган бир мусулмонни эътикодди, сузли ва харакатли куфр оркали Исломдан чиқишидир. Шофиъй олимларидан муҳаддис булган имом ибну Хожар «Фатхул жавод» номли китобининг 2-жилд 298-саҳифасида шундай ёзади: «Мусулмондан куфр сузи чикса Исломдан чиқади» Яна Шофиъй олимларидан имом Ан-Нававий «Ровдот Ат-Толибин» номли китобининг 10-жилд 64-саҳифасида шундай ёзади: «Ридда Исломдан алокани узмокдир» Ханафий олимларидан имом Ибну Абидин «Раддил Мухтор ьала Дуррил Мухтор» номли китобининг 3-жилд 283-саҳифасида шундай ёзади: «Ридда бир мусулмонни бир куфр сузлашидир» Малики олимларидан имом Ал-Хаттоб «Навахил-Жалил» китобининг 6-жилд 279-саҳифасида шундай ёзади: «Ридда-бир мусулмонни очик ёки яширин бир куфр оркали Исломдан чиқишидир.» Ханбали олимларидан имом Ал-Бухути «Мунтахал-Иродах» номли китобининг 3-жилд 326-саҳифасида шундай ёзади: «Ридда Исломга киргандан кейин куфрга тушмокдир.» Турт мазҳабни олимлари риддани 3-кисмга булинишини билдирганлар.

Ридда кисмлари:-сузли куфр, харакатли куфр,ва эътикодий куфрдир.

Бу олимлардан баъзиларини билдирамиз. **А-**Шофиъй олимларидан Имом ибну Хожар Ал-Хайтами «Фатхул- Жавод би шархил Иршод» китобининг 2-жилд 298-саҳифасида. Имом Ан-Нававий «Ровдотут-Толибин» китобини ридда булими 10 жилд 64-саҳифасида.

В:Ханафий олимларидан: 1- имом Ибну ьабидин «Раддил Мухтор ьала Дуррил Мухтор» китобининг муртад булими 3-жилд 283 саҳифасида. 2- Аш-шайх Мухаммад ил ьаббаси «Ал-фатовал Махдиййа» номли китобининг ридда булими 2-жилд 27-саҳифасида. 3- имом Олил Кори «Шархул Фикхул Акбар» китобининг 165 саҳифасида. 4- «Ал- Фатовал Хиндиййа» китобининг 2-жилд 261-саҳифасида. 5- Ал-Коди Бадир Аррашид ридда китобида. **С:** Малики олимларидан: 1- Мухаммад ьуллайш «Мунах Ал-Жалил шарх Мухтасар Халил» китобининг 9-жилд 205-саҳифасида. 2-Имом Ал-Хаттоб «Маховид Ал-Жалил Шарх Мухтасар Халил» номли китобининг 6-жилд 279-саҳифасида. 3-Ал-Коди ьийад «Ал- Йахсуби Аш-шифо би Таърифи хукук Ал- Мустафо» номли китобининг 2-жилд 270-саҳифасида. **Д:** Ханбали олимларидан: 1-Имом Ал-бухути «Шарх Мунтахол иродах китобининг 3-жилд 386 саҳифасида. 2-Имом ибнул Жавзи «Фатхул бари ьала саҳихи Бухорий» китобининг 6-жилд 523-саҳифасида ёзиб колдирганлар. Бу дарса билдирганимиз бу олимлар, олимларни факатгина бир кисмидир. Баъзи инсонлар риддани уч кисмга булинишини инкор киладилар. Бу уларни жохиллигидандир. Бу уларни илми олимлардан олмаганини ва укимаганини курсатади. Аллоҳ Тавба сурасининг 65-66-оятларида буюрадики:

{ قُلْ أِبَاهُ اللَّهِ وَعَآيَاتِهِ وَرَسُولِهِ كُنْتُمْ تَسْتَهْزِءُونَ ، لَا تَعْتَذِرُوا قَدْ كَفَرْتُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ }

маъноси: Айтгин, сизлар Аллоҳ ва уни оятларини ва Пайгамбарни хакоратладингиз.Узингизни окламанг энди, сизлар имонсиз булдингиз, имонли булганингиздан сунг.» Яна Аллоҳ Куръани Каримда буюрадики:

يَحْلِفُونَ بِاللَّهِ مَا قَالُوا وَلَقَدْ قَالُوا كَلِمَةَ الْكُفْرِ وَكَفَرُوا بَعْدَ إِسْلَامِهِمْ

маъноси: «куфр сузни айтганлар Исломдан чикиб кофир буладилар» Бу икки оят дунёда куфр ва ридда борлигини курсатади. Олимлар ҳам бу оятлардан далил олганлар. Биринчи оятда имондан сунг кофир булганлар,иккинчи оятда эса Исломдан сунг кофир булганлар хакида айтилган. Яна олимлар ридда хакида хадисдан ҳам далил курсатадилар: Ат-Термизийдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай буюради:

إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ لَا يَرَىٰ بِهَا بَأْسًا يَهْوَىٰ بِهَا فِي النَّارِ سَبْعِينَ خَرِيفًا

Маъноси: «Инсон уйламай бир сузни айтадида ва шу сузи учун дузахни етмиш йиллик каърида булади,бу жой кофирларга тайёрланган. Имом Бухарий ва Муслимдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай буюради:

إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مَا يَتَّبِعُنَّ فِيهَا يَهْوَىٰ بِهَا فِي النَّارِ أَبَدًا مِمَّا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ

маъноси: Инсон уйламай бир куфр сузни айтадида, шу айтган сузи учун дузахни Машрик билан Магриб ораси каби ва унданда узокрок каърига тушади.Бу жой кофирларга тайёрланган. Мухаддис булган Хофиз ибн Хожар рахимахуллох бу хадисни очикларкан айтганки: «Бу суз куфр сузидир яъни Аллоҳни ва ёки шариатни масхара килмок каби.»

Ридда кисмлари:

1-Харакатда амалда булиши мумкин куфр. Куръони Каримни нажас булган бир нарса билан ёзмок.Куръони Каримни ва ёки диний китобни. Диний нарсалар ёзилган когозларни билиб туриб ахлатга ташламок.Куёшга, ойга ,юлдузларга ва ёки бутларга сажда этмок. Инсонларга ибодат нияти билан сажда этмок ва ёки куфрни севмок,химоя килмок,куфрни оклаш, куфрни таъзим ва табаррук нияти билан килмок харакатли куфрдир.

2- Эътикодий куфр- Калб тасаввурида содир булган куфр.Аллоҳга,фаришталарга,Пайгамбарларга,Куръони Каримга,Охират кунига,Жаннат ва Дузахни борлигига шубха этмок,бу олам жинсини ичида бор булган махлукотларни,ва ёки бу олам жинсини азалий деб эътикод килса, Ислом олимлари айтган Аллоҳни сифатларидан бирини инкор этса, Аллоҳни нуксон сифатлар билан сифатласа,ислом олимлари айтган бир харомни (масалан, ичкилик ичмок,хаксиз бировни улдирмок каби.) халол килса ёки Ислом олимлари айтган бир халолни (масалан тижорат,уйланмиш каби.) харом деса, Ислом олимлари айтган ва тасдикланган бир фарзни инкор килса, Намоз,Руза,Тахорат каби фарзларни инкор килса; Ислом олимлари айтган ва тугри булган бир Пайгамбарни инкор килса,Куръони Каримдан билиб туриб бир харфни учирса ва ёки узидан бир харф кушса, ёки Абу Бакр Сиддикни Пайгамбаримизни сахобаси эканлигини инкор килса ва Пайгамбаримиз Мухаммаддан кейин яна бир Пайгамбар келади деб эътикод килса,ва Фаришталарни хотин деб эътикод килган инсон кофир булади.

3- Сузли куфр.Тил билан килинган куфр. Аллоҳга, Пайгамбарларга ,Фаришталарга, Куръонга, Охират кунига, Шариатга куфр этмок. Аллоҳни Аршни устида,осмонда,ва ёки хар ерда зоти борлигини сузламок, сабабсиз бир мусулмонга эй яхудий,эй кофир демок инсонни куфрга туширади, аммо

бу гапни айтган киши ухшатиш нияти билан айтса,бу айтган киши харомга тушади.Хар кандай бир ходисани Аллоһни иродасидан ташкари булади демок, жаннатга киришни истамаслигини айтмок, барча мусулмонларни Фаришталарни, Пайгамбарларни гувохлигини кабул килмаслигини айтмок, Пайгамбаримизни кабрини ва ёки Пайгамбарларни кабрини зиёрат килишни ширк деб айтмок- буларни барчаси тил билан килинган куфрдир. Коида: Агар инсон бу куфрлардан кайси бирини килган булса Исломдан чиккан хисобланади ва дархол Исломга кириши керак. Исломга кириш эса Калимаи Шаходатни айтиш билан булади. Яъни «Ашхаду алла илаха иллоллооһ ва ашхаду анна Мухаммадан ъабдуху ва расулуху» ва ёки шу маънони берадиган сузни узига тушунарли булган тилда айтиб Исломга кириши керак. Ислом олимларини куфр хакидаги коидалари шундай: Хар кандай бир харакатла ,сузла ва эътикодла Аллоһга, Пайгамбарларга, Китобларга, Охират кунига, Шариат хукмлари, ва ёки Ислом дини хукмларини масхара килмок ва ёки инкор килмок куфрдир. Бу юкорида айтилган нарсаларни ва илмни урганишимиз керак. Чунки инсон харом нималигини урганмаса харомга тушиши мумкин ва куфр нималигини урганмаса куфрга тушиши мумкин. Дуо: Аллоһ хаммамизни куфрдан сакласин ва имон билан вафот эттирсин!

Бидъат.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْقُرَشِيِّ وَعَلَى آلِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Куръони Каримда ва хадисда билдирилмаган кейинчалик Исломга киритилган янгиликка бидъат дейлади. Ойшадан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай буюради:

مَنْ أَحَدَّثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ

маъноси: «Хар кимки динга Куръони Каримга ва Хадисга зид булган бир янгилик киргизса ундан кабул килинмайди.» Бидъатлар 2-кисмга булинади. 1-кисм Куръонга ва Хадисга зид булмаган яхши янгилик. 2-кисм Куръонга ва хадисга зид булган ёмон янгилик. Аллоҳ Хадида сурасининг 27-оятда буюрадики:

وَجَعَلْنَا فِي قُلُوبِ الَّذِينَ اتَّبَعُوهُ رَأْفَةً وَرَحْمَةً وَرَهْبَانِيَّةً ابْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَاهَا عَلَيْهِمْ

маъноси:бу оятда Аллоҳ Ёиса алайхиссаломга имон килганларни мактади чунки улар янги бидъат килдилар. Улар халол булган баъзи нарсалардан узок колдилар ва улар харом булган нарсалардан хам узок колдилар.улар уйланишдан гузал нарсалардан турли хил таомлардан гузал либослардан узок колдилар ва улар вақтларини Аллоҳга ибодат килиш билан утказдилар.Бу оятда тушуниладики Аллоҳ уларга бу бидъатни амр килмади. Бу бидъатни уларни узлари чикардилар.Яъни бу бидъат Инжилда билдирилмади ва Ёиса алайхиссалом уларга буни сузламади. Улар Аллоҳга ибодат килиш учун шахарлардан ташкарида узок ерларда уйлар курдилар.Бидъатни 2-кисмга айрилишига имом Муслимдан ривоят килинган бир хадис далилдир.

مَنْ سَنَّ فِي الْإِسْلَامِ سُنَّةً حَسَنَةً فَلَهُ أَجْرُهَا وَأَجْرُ مَنْ عَمِلَ بِهَا مِنْ غَيْرِ أَنْ يَنْقُصَ مِنْ
أَجْرِهِمْ شَيْءٌ، وَمَنْ سَنَّ فِي الْإِسْلَامِ سُنَّةً سَيِّئَةً كَانَ عَلَيْهِ وِزْرُهَا وَوِزْرُ مَنْ عَمِلَ بِهَا مِنْ
بَعْدِهِ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَنْقُصَ مِنْ أَوْزَارِهِمْ شَيْءٌ

Маъноси: Кимки исломга янги бир янгилик олиб кирса унга ва унга эргашганларга ва шу яхши янгиликни такрорлаганларга савобдир.Доим шу яхши янгилик такрорланганда илк бошлаган инсонга савоби етиб туради.Кимки исломга ёмон янгилик олиб кирса унга ва унга эргашганларга ва шу ёмон янгиликни такрорлаганларга гунохдир.Доим шу ёмон янгилик такрорланганда илк бошлаган инсонга гунохи етиб туради.Имом Аш-Шофеъий буюрадики:

المُحَدَّثَاتُ مِنَ الْأُمُورِ ضَرْبَانِ، أَحَدُهُمَا مَا أَحَدَّثَ مِمَّا يُخَالِفُ كِتَابًا أَوْ سُنَّةً أَوْ إِجْمَاعًا أَوْ
أَثْرًا، فَهَذِهِ الْبِدْعَةُ الضَّلَالَةُ، وَالثَّانِيَةُ مَا أَحَدَّثَ مِنَ الْخَيْرِ وَلَا يُخَالِفُ كِتَابًا أَوْ سُنَّةً أَوْ إِجْمَاعًا،
وَهَذِهِ مُحَدَّثَةٌ غَيْرُ مَذْمُومَةٍ

Бидъатлар 2-кисмга булинади: Куръонга ва хадисга зид булмаган яхши бидъат.Сахобалар билдирган купчилик ислом олимлари жумладан Ан-Нававий ал-Байхакий Ибну хожар Ал-Аскалони Имом Ёиззуддин ибин Абдуссалом ва бошка олимлар яхши бидъат ва ёмон бидъат хакида бизга билдирганлар.Улар бизга очик равишда билдирганларки динга зид булмаган бидъат ёмон эмасдир. Яхши бидъат. Пайгамбаримиз Мухаммад соллоллоху алайхи вассалламни таваллуд топган кунини Мавлудни нишонламок. Дунёни турли жойларида мусулмонлар Мавлуд кечасини нишонлайдилар. Улар бу кечада Куръони Каримни укийдилар касидалар айтадилар Аллоҳга хамду сано айтадилар Пайгамбаримизга

саловот айтадилар ва хайвон кесиб факирларга таркатадилар ва инсонларга динни ургатадилар. Аллоҳ «Хаж» сурасининг 77 оятида буюрадики:

وَأَفْعَلُوا الْخَيْرَ

Маъноси: «Савобли хайрли амалларни килинглар» Мавлуд биринчи марта хижрий 7-асрда Ибрил кироли Абу Саъид кавкабир иби Зайнуддин Али ибн Бактакин томонидан нишонланган. Бу 900 йил олдин нишонланган ва Ислом олимлари томонидан тан олинган. Бу олимлар орасидан Миср олимлари Ас-суйути ибну хожа ал Аскалоний ва ҳеч бир ислом олими Мавлуд нишонлашни таққиламади. Мавлуд уқимок яхши ва хайрли амаллардан иборат ва яхши бидъатдир. Мавлуд уқиб Ислом олимлари томонидан мактабди. Ваҳобийлар эса ҳар бидъат ёмон дейдилар. Яхё ибну Яъмар деган олим Куръон ҳарфларига нукта ва ҳаракатлар қўйган ва уқибга осонлик қилган. Чунки Пайгамбаримизни вақтида саҳобалар Куръонни нукта ва ҳаракатларсиз ёзганлар. Саҳобалар бу янгиликни яхши янгилик деб қабул қилдилар чунки мусулмонларга қўйилган фойдаси булди. Агар бир бидъат Пайгамбаримиз қилмаган булса унга ёмон бидъат дейилмайди. Баъзи инсонларни айтгани қаби бу ёмон янгилик булса улар Усмон ибн Аффон замонидаги қаби Куръонни нукта ва ҳаракатларсиз уқибга тугри қилади. Абу Бакр ибн Абу Довуд «Масоҳиф» номли китобида билдирадики: Куръонга илк нукта қўйган олим Яхё ибну Яъмардир. Азон айтилгандан кейин овозни баланд қилиб Аллоҳумма солли ғала Мухаммад деб айтиш ҳам яхши янгиликдир. Бу хижратдан 700 йил кейин қилинган бидъатдир. Пайгамбаримиз айтганки

مَنْ ذَكَرَنِي فَلْيُصَلِّ عَلَيَّ

маъноси: «Мени исми айтилганда салом ва саловат айтинглари» Масжидлардаги меҳроблар ҳам яхши бидъатдир. Бу Пайгамбаримизни даврдан 90 йил кейин қилинган. Масжидлардаги миноралар ҳам яхши янгиликдир. Бир бегона одам минораларни қўрган захоти тушинадики масжид бор ёки азон товуши минорадан яхши эшитилади. Имом Ал Бухорий ривоят қиладики Рифаъа ибну Рафиъа Аззураки айтганки: Бир кун Пайгамбаримизни ортидан намоз қилаётган эдим. Пайгамбаримиз қўлдан бошини қўтариб Самаллоху лиман хамада деди. Бир одам Пайгамбаримизни ортидан «Роббана ва лакал ҳамд ҳамдан қасирон тойибан муборақан фиҳи» деди. Пайгамбаримиз намоздан кейин суради буни қим айтди? Бир саҳоба айтдики «Мен.» Пайгамбаримиз айтдики: «Қўй фаришталарни қўрдим улар ҳар қайси бу савобни бир биридан олдин ёзиш учун ҳаракат қилардилар» Бу ҳадисни маъноси шуки намозда зикр қилса булади. Абдуллоҳ ибну Умар ибни Хаттоб намозда аттаҳиятни уқиганда «Ашхаду алла илаҳа иллоллоҳ ваҳдаҳу ла шарика лаҳ» деб айтган. Пайгамбаримизни исмидан кейин соллоллоху ғалайхи вассаллам деб ёзиш ҳам яхши янгиликдир. Жума намозидан олдин иккинчи азонни уқиб ҳам яхши янгиликдир. Бу учинчи халифа замонида қилинган. Ваҳобийлар эса ҳар бидъатни ҳаром дейдилар аммо узлари Жума намозидан бир азон уқибдиларми ёки икки азон уқибдиларми? Уларни айтган гапи қилган амалларига тесқаридир. Пайгамбаримизни замонида қилинган ҳамма бидъат ёмон эмас бунга далил улим асносида икки рақъат намоз уқимок-буда яхши янгиликдир. Буни илк бошлаган саҳоба Хубайбдир. Қофирлар уни улдиришидан олдин икки рақъат намоз уқиган. Тарових намозини жамоат билан уқилиши бу ҳам яхши бидъатдир. Саҳиб Бухорий «Фатҳул бари» китобининг туртинчи жуз 217-саҳифасида ривоят қилинишига қўра тарових намози Пайгамбаримизни вақтида алоҳида алоҳида

укилган, Умар радиаллоху анху жамоатни туплаб сафларни бирлаштириб Тарових намозини жамоат билан бирга килдирган. Намозни укиб булганларидан кейин Умар радиаллоху анху шундай деган:

نِعْمَتِ الْبِدْعَةِ هَذِهِ

маъноси: «Бу гузал бир бидъатдир.» Вахобийлар хадисда билдирилган «Куллу бидъат дололах» деган гапни айтадиларки «хамма бидъатлар ёмондир» Улар «куллу» сузини «хамма» деган маънода куллайдилар. Холбуки «куллу» сузи арабча «купчилик» деган маънони билдиради. Пайгамбаримиз айтганки:

وَكُلُّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ

маъноси: «Бидъатларни купчилиги ёмондир.» Яъни Куръонга хадисга олимларни сузларига зид булган янгиликка ёмон бидъат дейилади. Аммо Куръонга Хадисга олимларни сузларига зид булмаган бидъат яхши бидъатдир. Пайгамбаримиз хадисда айтадики:

كُلُّ عَيْنٍ زَانِيَةٌ

маъноси: «Купчилик кузлар зинокордир» Бу хадисни маъноси хамма кузлар эмас балки аксинча купчилик кузлар зинокордир. Чунки Пайгамбарлар бутун гунохлардан сакланганлар. Бу ерда «Куллу» сузи «купчилик» деган маънода айтилган. Агар куллу сузи хамма маъносида айтилса демакки Пайгамбарларга лойик булмаган нарса айтилган булади (яъни тугри булмаган нарса)-бу эса куфрдир. Аллоһ «Ал-Ахкоф» сурасининг 25 оятида билдирадики:

تُدْمِرُ كُلَّ شَيْءٍ

Маъноси: Аллоһ Ад кавмига шиддатли бир шамол юборди куп нарсаларни халок килди. Бу ердаги «Куллу» сузи «куп» маъносида айтилган. **Ёмон бидъат** -Баъзи инсонлар динга ёмон бидъат олиб кирадилар яъни мусулмонларни акидасига зид булган ёмон бидъат. Масалан Кадариялар каби улар такдирни инкор киладилар. Хаворижларни бидъати эса улар буюк гунох килганларга кофир дейдилар. Яна бир гурух- улар мусулмонларга кофир дейдилар. Улар Мавлудни нишонламок ёмон бидъат дейдилар. Бу гурух вахобийлардир. Уларни айтишича азон айтилгандан кейин овозни баланд килиб Пайгамбаримизга салом ва саловат айтган кофирдир дейдилар. Чунки Пайгамбаримиз буни килмаган дейдилар. Вахобийлар айтадиларки Пайгамбаримиздан кейин килинган хар бир бидъат ёмондир дейдилар. Уларни айтганлари Пайгамбаримизни айтганига олимларни сузларига сахобаларни ва улардан кейин хар бир мусулмонни килганига зиддир. Агар Вахобийларни фикрига кура хар бидъат ёмон булса Куръондан барча харакат ва нукталарни олиб укиб курсинлар. Сахобалар бу нукта ва харакатларни олиб ташлашни айтмаганлар.

Аллоҳ макондан ердан покдир яъни Аллоҳ хеч нарсага

ухшамайди ва хеч нарсага эҳтиёжи йук.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى ءَالِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Ахли суннат олимлари буюрадиларки Аллоҳ макондан покдир яъни Аллоҳ осмонда аршда ерларда деб айтилмайди ва Аллоҳ хеч нарсага мухтож эмас. Чунки макони булган жисмдир яъни яратилган нарсадир ва у жисмни чегараси бордир ва ёнлари бордир. Барча яратилган нарсаларни чегараси бор. Аллоҳ чегарани яратди ва Аллоҳ чегарага мухтож эмас. ва Аллоҳни чегараси йук. Арш ҳам бир жисмдир ва уни ҳам чегараси бор. Ва уни фаришталар кутарадилар. Аллоҳ Куръонда Ал-Хакка сурасининг 17-оятда буюради:

وَيَحْمِلُ عَرْشَ رَبِّكَ فَوْقَهُمْ يَوْمَئِذٍ ثَمَنِيَّةٌ

Маъноси: Киёмат куни Аршни

саккизта фаришта кутаради. Хозир Аршни 4-та фаришта кутариб турибди. Агар кимки Аллоҳни Аршни устида деб айтса Куръони Каримга ва Пайгамбаримизни хадисларига ва ислом олимларини айтган сузларига карши чиккан булади. Аллоҳ Аш-Шуро сурасининг 11-оятда буюрадики:

لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ

маъноси: «Аллоҳ хеч нарсага ухшамайди». Ва яна Ихлос сурасининг 4-оятда

وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ

буюради:

маъноси: «Аллоҳ яратилганларга ухшамайди.» Яна Ан-нахл сурасининг 60-оятда буюрадики:

وَلِلَّهِ الْمَثَلُ الْأَعْلَىٰ

маъноси: «Аллоҳ ва уни сифатлари яралганларга ухшамайди.» Ва яна «Марям» сурасининг 65-оятда буюради:

هَلْ تَعْلَمُ لَهُ سَمِيًّا

Маъноси: «Аллоҳ хеч нарсага ухшамайди.» Аллоҳ Ан-Нахл сурасининг 74-оятда буюрадики:

فَلَا تَضْرِبُوا لِلَّهِ الْأَمْثَالَ

маъноси: «Аллоҳга хеч нарсага ухшатманг ва тенглаштирманг.» Бу оятларни барчаси Аллоҳ хеч нарсага ухшамаслигига ва макондан ердан пок эканлигига шаклсиз ерсиз маконсиз эканлигига Аллоҳни ёнлари йуклигига ва уни олти

йуналиш урамаслигига далилдир. Аллоҳ яратилганлар каби унга чапда олдда орқада юкорида пастда деб айтилмайди ва Аллоҳни буларга эҳтиёжи йук ва Аллоҳ хеч нарсага мухтож эмас. Ва факат азалий ва абадий булган ва бошланиши ва охири булмаган ёлғиз Аллоҳдир. Макон юксаклиги Аллоҳга лойик эмас. Мартаба даража юксаклиги макон юксаклиги эмас. Барчамиз биламизки Аршни кутарадиган фаришталар бошкалардан жуда юксак макондадирлар аммо улар яратилганларни устунни эмаслар. Факат Пайгамбарларгина ерда яшагани холда яратилганларни энг устундирлар. Агар даража устунлиги макон устунлиги булса баъзи олимлар айтганларки Аршни устида Лавхул-Махфуз бор. Вахобийларни фикрига кура улар Аршни устидаги китобни (ва ёки Лавхул-Махфузни) Аллоҳ билан шерик киладилар. Аллоҳни Аршни устида деб айтиш ва эътикод килиш мумкин эмас ва бу куфрдир. Чунки баъзи инсонлар айтадиларки Аллоҳ Аршни устида утиради ва Аршни фаришталар кутарадилар. Уларни бу эътикодига кура фаришталар Аллоҳни кутарадилар. Аккли булган инсон бундай гапларни айтмайди. Аллоҳ «Тоха» сурасининг 5-оятда буюради:

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَىٰ

Бу оятдаги истава сузини маъноси утириш эмас. Утиришни маъноси эса икки жисмни бирлашишидир яъни бириси юкоридан ва бириси пастдан булишидир. Аллоҳ жисм эмасдир ва Аллоҳ утиради деб айтилмайди. Чунки утирган нарсани чегараси булади ва чегараси булган яратилган нарсадир. Истава сузини бир канча маъноси бор. Бу оятдаги истава сузи хукмронлик маъносида келган. Бошка бир маъноси эса «Худ» сурасининг 44-оятда Аллоҳ буюради:

وَأَسْتَوَتْ عَلَى الْجُودِيِّ

маъноси: Пайгамбаримиз Нухни кемаси Ирок улкасидаги Ал-Жуди тогини устида тухтади. Яна «Ал-Фатх» сурасининг 29-оятда

فَأَسْتَوَىٰ عَلَى سُوْقِهِ

маъноси: Улар «тикка» булган бир экинга ухшайдилар. Бу оятдаги маъноси эса экинларни «тикка» булишидир. «Ал-Касос» сурасининг 14-оятда Аллоҳ буюради:

وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُ وَاسْتَوَىٰ

маъноси: «Мусони вужуди тамоман кучли булди.» Истава сузининг бошка бир маъноси эса юксаклик деган маънони билдиради. Юксакликни эса икки маъноси бор. 1-Мартаба устунлиги ва 2-Макон устунлиги. «Тоха» сурасининг 5-оятдаги «Истава» сузини макон устунлиги деб тафсир килмок ноътугридир.

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَىٰ

Бу оятдаги истава сузи утириш эмас балки хукмронлик маъносида айтилган. Чунки утиришда мактаниш йук. Яхши инсон хам утиради ёмон инсон хам утиради ва хайвон хам утиради. Бу оятдаги «Истава» сузи хукмронлик маъносида айтилган.

Фаришталар.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى عَالِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Имонни фойдали кисмларидан бири –Фаришталарга имон этмокликдир.Биз фаришталарни курмаймиз яъни имон килишимиз керакки Фаришталар бор ва улар Аллоҳ яратган махлукотларни биридирлар.Аллоҳ фаришталарни нурдан яратган ва фаришталар эркак ёки аёл эмаслар ва улар гуноҳ килмайдилар Аллоҳга ибодат киладилар ва Аллоҳни амрларини бажарадилар.Пайгамбаримизни ёнига бир кун Жаброил алайхиссалом келиб айтдики: «Эй Аллоҳни Расули менга имон хакида билдиринг» Жаброил алайхиссалом буни билмагани учун эмас саҳобалар урганиши учун суради.Пайгамбаримиз айтдики:

الإِيمَانُ أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرَهُ
وَشَرَّهُ

маъноси: Имон бу Аллоҳга уни Фаришталарига Китобларига Пайгамбарларига Охират кунига ва яхшилик ва ёмонликни тақдир килинганига ишонишдир.Бу хадисдан шуни тушунамизки энг аввал Аллоҳга имон этиш керак чунки бу имонни устундир.Яъни имон этишимиз керакки Аллоҳ бордир яъни жойсиз маконсиз бордир.Аллоҳни бошланиши ва охири йук. Аллоҳ ҳамма нарсани яратган.Аллоҳ хеч кимга ва хеч нарсага мухтож эмас ва у яратилганларга ухшамайди. Аллоҳ ҳамма нарсани куради ва эшитади. Аллоҳ куз кулок каби органлардан покдир яъни Аллоҳни буларга эhtiёжи йук.Аллоҳ жисм эмасдир. Аллоҳ бирдир ухшаши ва шериги йук Аллоҳ ҳамма нарсани яратгандир ва ундан бошка яратгувчи йукдир.Пайгамбаримиз соллоллоху алайхи васаллам айтганки Аллоҳга имондан сунгра фаришталарга имон килиш керак.Фаришталарни махлукотларни орасида жуда буюк устунлиги ва шарафи бордир.Имом Муслимдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз айтган:

إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ الْمَلَائِكَةَ مِنْ نُورٍ، وَخَلَقَ الْجَانَّ مِنْ مَارِجٍ مِنْ نَارٍ

Маъноси: «Аллоҳ фаришталарни нурдан яратди жинларни оловдан яратди ва одамни тупрокдан яратди.» Пайгамбаримизни хадиси далилки Иблис фаришта эмас у жиндир ва барча жинларни отасидир.Одам алайхиссалом инсондир ва барча инсонларни отасидир.Фаришталар латиф жисмдир (яъни тутилмайдиган жисмдир нур соя хаво жинлар каби) уларни кул билан ушлаб булмайдилар.Фаришталар емайдилар ичмайдилар ухламайдилар чарчамайдилар. Фаришталарни баъзиларида иккита баъзиларида учта баъзиларида Жаброил алайхиссаломники каби олти юзта канот бор.Фаришталар уз шакллари узгартиришлари учун Аллоҳ уларга кучкуват берган. Улар эркак шакли билан шаклланиб биладилар факат эркаклик органи булмайдилар.Жаброил фариштаси гузал бир эркак шаклида пайгамбаримизга вайих келтирарди. Фаришталар хотин шаклига кирмайдилар. Агар кимки Фаришталар хотин деб эътикод килса куфрга тушади. Аллоҳ Ан-Нажм сурасининг 27-оятда шундай буюради:

إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ لَيُسَمُّونَ الْمَلَائِكَةَ تَسْمِيَةَ الْإِنثَى

маъноси: Факат охиратга ишонмайдиганларгина фаришталарни хотин (аёл) деб эътикод киладилар.Пайгамбаримизни билдиришича баъзи Фаришталар жуда каттадилар.Аршни кутарадиган Фаришталарни биттасини кулогидан елкасигача

узунлиги энг тез учадиган куш тезлигида 700 йиллик масофадир. Аллоҳ Жалла Жалаллуху Ат-Тахрим» сурасининг 6-оятида билдирдики:

لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ

маъноси: «Фаришталар гуноҳ килмайдилар ва улар Аллоҳни амрларини бажарадилар.» Фаришталар гуноҳ килмайдилар. Баъзи инсонлар Хорут ва Морут фаришталари хакида ёлгон ривоятлар айтадилар. Яъни айтадиларки бу икки фаришта ичкилик ичиб бир аёл билан зино килган яна баъзилар айтадиларки Хорут ва Морут фариштаси бир инсонни хаксиз улдирганлар ва бутга сажда килганлар. Бу гапларни айтганлар Куръонга хадисга ва Ислом динига карши чиқади. Динимизда билдирилганки Хорут ва Морут фариштаси Ироқдаги Вавилон деган ерга туширилганлар. Улар инсонларга сеҳр билан муъжизани фарқини ургатиш учун ерга туширилганлар. Улар инсонлар айтганлар: «сеҳр бир фитнадир ҳеч ким сеҳргарлик билан шугулланмасин.» дер эдилар. Аллоҳ яратган махлуқотларни орасида сони куп булган махлуқотлар фаришталардир. Уларни сони инсонлардан жинлардан ва хатто дарахтлардан ҳам купдир. Имом Ат-Термизийдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз айтганки:

مَا فِي السَّمَاءِ مَوْضِعٌ أَرْبَعُ أَصَابِعٍ إِلَّا وَفِيهِ مَلَكٌ قَائِمٌ أَوْ رَاكِعٌ أَوْ سَاجِدٌ يَذْكُرُ اللَّهَ تَعَالَى

маъноси: Осмонларда турт бармоқ кенглигида буш жой йукки у ерда фаришталар бири киёмда бири рукуда ва бири саждада Аллоҳга ибодат киладилар. Аллоҳ уларга куч кувват берган улар емасдан ичмасдан ухламасдан чарчамасдан Аллоҳга ибодат киладилар. Хар бир фариштани вазифаси бор. Масалан: Жаброил фариштаси Пайгамбарларга вахий келтирган. Исрофил фариштаси киёмат куни сур чалади. Азроил фариштаси улим фариштасидир. Микаил фариштаси ёмгир ёгдириш вазифасини бажаради. Ридван алайхиссалом Жаннат ва Малик алайхиссалом Дузах курикчисидир ва Фаришталар шунга ухшаган вазифаларни бажарадилар. Хар бир инсонни жинларни ёмонлигидан куриклайдиган 8та фаришта бор. Агар бу фаришталар булмаса жинлар инсонларни туп уйнагандек уйнайдилар. Бошка бир фаришталар эса дарахтлардан узилиб тушаётган барғни санаш вазифаси билан машғулдирлар. Агар инсонлар Пайгамбаримизга салом ва саловат айтса фаришталар Пайгамбаримизни ёнига бориб айтадилар фалон киши сенга салом ва саловат айтди. Яна 4та фаришта Аршни кутариб туради. Ракиб ва Атид фариштаси инсонларни амалларини ёзиб туради. Мункар ва Накир фариштаси эса инсонларни кабрда сурок килади. Аллоҳ фаришталарга жуда куп куч кувват берган. Жаброил фариштаси хакида Аллоҳ Куръонда шундай буюради: **ذُو مِرَّةٍ**

маъноси: «Жаброил жуда кучлидир.» Жаброил Аллоҳни амри билан лут кавмини ва 4та шахарни бир канотини битта пари билан халок этди. Жаброил бу кавми биринчи осмонга кадар кутарди ва биринчи осмондаги фаришталар хурозларни кичкиригини ва итларни товушини эшитдилар. Сунгра Жаброил уларни тескари килиб отди ва улар халок булдилар. Аллоҳ Фаришталарга амр килди бу кавми уларни шахарларини халок килишни чунки улар Лут алайхиссаломга имон килмадилар. Жаброил фаришталарни энг устундир. У расулларга ва набийларга вахий етказди. Жаброил алайхиссалом Пайгамбаримизни ёнига гузал бир эркак шаклида (эркаклик органи булмасдан) жуда куп маротаба келган. Пайгамбаримиз Жаброил фариштасини уз шаклида икки марта курган. Илк бор курганда Пайгамбаримиз хайратдан хушидан кетган. Чунки Жаброил инсонлар курадиган

нарсаларга ухшамасди (яъни инсонлар куёш ой хайвонлар каби.) Меърож кечасида
Пайгамбаримиз Жаброил алайхисаломни уз шаклида 2-чи маротаба курди ва бу
сафар Пайгамбаримиз хушидан кетмади чунки ундан олдин Фаришталар
Пайгамбаримиз осмондаги ажойиботларни куришга тайёр булиши учун уни калбини
Зам-Зам суви билан ювган эдилар.

Жаннат.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأَمِيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى عَالِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Куръони Каримдан ва Пайгамбаримизни хадисларидан биламизки Жаннат бордир ва тайёрлангандир. Аллоҳ Куръонда буюрадики:

أَعَدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ

маъноси: «Жаннат муттакилар (яъни куфрдан узоклашиб мусулмон булиб улган) учун тайёрлангандир. Жаннат еттинчи осмонни устида булиб осмондан алохида жойлашган. Арш эса Жаннатни тепасида булиб Аллоҳ яратган махлуқотларни энг каттасидир. Жаннат ахлини буйи Одам алайхиссаломники каби булади. Яъни узунлиги 60-аршин (1-аршин 47-см хисобда.) ва кенглиги 7-аршин. Жаннат ахли 33 ёшда булади. Жаннатда инсонлар улмайдилар яъни у ерда абадий коладилар. Ухламайдилар чарчамайдилар катта ва кичик хожатга чикмайдилар бири-биридан нафратланмайдилар ва касал булмайдилар. Жаннат ахли жуда бахтли булади чунки жаннатда хамма нарса гузалдир ва улар Жаннатда абадий коладилар ва у ердан хеч қачон чикмайдилар. Имом Бухорийдан ривоят қилинган бир хадисда Пайгамбаримиз айтган:

أَهْلُ الْجَنَّةِ عَلَى صُورَةِ أَبِيهِمْ ءَادَمَ سِتُّونَ ذِرَاعًا فِي السَّمَاءِ فِي سَبْعَةِ أَدْرَعِ
عَرْضًا

Маъноси: Жаннат ахлини узунлиги уларни отаси Одамники каби булади. 60-аршин узунликда ва 7-аршин кенгликда. Яна Пайгамбаримиз айтган:

هِيَ وَرَبِّ الْكَعْبَةِ نُورٌ يَتَلَأَلُ وَرِيحَانَةٌ تَهْتَرُ، وَنَهْرٌ مُطَرَّدٌ، وَقَصْرٌ مَشِيدٌ، وَفَاكِهِةٌ نَضِيجَةٌ
وَزَوْجَةٌ حَسَنَاءٌ جَمِيلَةٌ فِي مَقَامٍ أَبَدِيٍّ، وَحَبْرَةٌ، وَنَضْرَةٌ

маъноси: «Қаъбани Роббисига касам қиламанки Жаннатда қуп яшилликлар бордир ва уз-уздан порлайди. Жаннатда баланд қасрлар ва оқар дарёлар гузал қизлар ва ажойиб мевалар бор. У ерда хамма нарса худди Жаннат ахли истагандек. Уларни хаёти абадийдир ва хеч қачон тугамайди. Улар хамма вақт гузал юзли ва севинчли буладилар.» Аллоҳ солих инсонлар учун хеч бир қуз қурмаган ва хеч бир қулоқ эшитмаган ва хеч бир инсонни хаёлига қелмаган гузалликлар тайёрлаган. Бу неъматларни барчаси куфрдан узоклашиб мусулмон булиб улган муттакилар (яъни куфрдан узоклашиб улган мусулмонлар.) учун тайёрлангандир. Пайгамбаримиз хадисда айтадики

يُنَادِي مُنَادٍ إِنَّ لَكُمْ أَنْ تَصِحُّوا فَلَا تَسْقَمُوا أَبَدًا، وَإِنَّ لَكُمْ أَنْ تَحْيُوا فَلَا تَمُوتُوا أَبَدًا، وَإِنَّ لَكُمْ
أَنْ تَشَبُّوا فَلَا تَهْرَمُوا أَبَدًا، وَإِنَّ لَكُمْ أَنْ تَنْعَمُوا فَلَا تَبْأَسُوا أَبَدًا

маъноси: Жаннат ахлига баъзи Фаришталар айтадиларки саломат қолда буласиз асло қасал булмайсиз хаётингиз шундай гузал буладики хеч қачон улмайсиз ва шундай навқирон буласизки асло қексаймайсиз ва шундай қавқли буласизки асло азиятингиз булмайди. Яна бир хадисда Пайгамбаримиз буюрадики:

دَخَلْتُ الْجَنَّةَ فَرَأَيْتُ أَكْثَرَ أَهْلِهَا الْفُقَرَاءَ

маъноси: «жаннатга қирдим ва жаннат ахлини қупчилиги фақирлар эканини қурдим». Пайгамбаримиз жаннатга қирган ва у ердаги қурларни қурган. Бу қурларни

Аллоҳ яратган ва улар инсон ҳам эмас жин ҳам эмасдирлар. Улар Жаннат ахлига яъни эркакларга хотин ва хизматкор хотинлар учун эса хизматкор буладилар. Жаброил алайхиссалом Пайгамбаримизга айтдики: Уларга салом беринг Ва Пайгамбаримиз айтдики «Ассаламу алайкум» У хурлар айтдиларки: «Биз гузал хурлар гузал ахлокли номусли ва шарафли инсонлар учунмиз.» Аллоҳ жаннат ахли учун хизматкорлар яратган ва улар инсон ҳам эмас жин ҳам эмас ва фаришта ҳам эмас. Аллоҳ уларни ота-онасиз яратган ва улар жаннат ахлига хизмат киладилар. Хар бир инсон учун жаннатда ун минг хизматкор булади. Ва улар жаннат ахлига бир кулида олтин ва бир кулида кумуш идишлар билан хизмат киладилар. Арш яратилган жисмларни энг каттасидир ва уни туртга фаришта кутариб турибди ва киёмат куни уларни сони саккизта булади. Ибну Хиббан ривоят килган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай деган:

مَا السَّمَوَاتُ السَّبْعُ وَالْأَرْضُ فِي جَنْبِ الْكُرْسِيِّ إِلَّا كَحَلَقَةِ بَارِضٍ فَلَائِهَ وَقَضْلُ الْعَرْشِ عَلَى الْكُرْسِيِّ كَقَضْلِ الْفَلَائِ عَلَى الْحَلَقَةِ

маъноси: «7-кат осмон Ал-Курсийни олдида битта узукни сахрога куйган каби Ал-Курсий эса Ал-Аршни олдида битта узукни чулга куйган кабидир.» Энг биринчи яратилган нарса сув кейин эса Арш яратилди кейин калам ундан кейин лавхул махфуз кейин эса Аллоҳ осмонларни ва ерларни яратди. Имом Али айтган:

إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ الْعَرْشَ إِظْهَارًا لِقُدْرَتِهِ وَلَمْ يَتَّخِذْهُ مَكَانًا لِذَاتِهِ

Маъноси: «Аллоҳ Аршни уз кудратини курсатиш учун яратган асло узига жой килиб эмас.» Буни Абу Мансур Ал Багдодий «Ал Фарку байнал Фирок» номли китобида ёзиб колдирган. Агар кимки Аллоҳ аршни устида утиради деса куфрга тушади. Чунки Аллоҳ яратилган нарсаларга ухшамайди ва У жойсиз шаклсиз ва маконсиз бордир. Аллоҳга ва уни Пайгамбарларига ишонган инсонлар мусулмондирлар. Жаннат ахли жаннатда экан Аллоҳни курадилар яъни жойсиз шаклсиз ва маконсиз ва масофасиз ва ораларида хеч бир тусик булмайди. Абу Ханифа Фихх ул Акбар номли китобида айтади:

وَاللَّهُ تَعَالَى يُرَى فِي الْآخِرَةِ، يَرَاهُ الْمُؤْمِنُونَ وَهُمْ فِي الْجَنَّةِ بِأَعْيُنِ رُؤُوسِهِمْ بِلَا تَشْبِيهِ وَلَا كَيْفِيَّةٍ وَلَا كَمِّيَّةٍ وَلَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ خَلْقِهِ مَسَافَةٌ

маъноси: Жаннат ахли жаннатда экан Аллоҳни курадилар яъни жойсиз шаклсиз ва ораларида хеч бир тусик булмайди ва масофасиз хеч нарсага ухшатмасдан чегарасиз ва хажмсиз ва маконсиз курадилар. Аллоҳ Куръонда буюради:

وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَاضِرَةٌ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاطِرَةٌ

Бу оят далилдирки Аллоҳ охиратда курилади. Пайгамбаримиз хадисда айтганки:

إِنَّكُمْ سَتَرُونَ رَبَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَمَا تَرُونَ الْقَمَرَ لَيْلَةَ الْبَدْرِ لَا تُضَامُونَ فِي رُؤْيَيْهِ

Маъноси: «Хеч шубха йукки Роббингизни охиратда курасиз. Бирингиз тулин ойни курганда хеч шубхасиз бу тулин ой деганингиз каби Аллоҳни курганда айтасизки хеч шубхасиз бу менинг Аллоҳимдир.» Кофирлар хеч қачон Аллоҳни курмайдилар на бу дунёда ва на охират хаётида. Аллоҳ «Мутоффифин» сурасини 15-оятида буюради:

كَلَّا إِنَّهُمْ عَنْ رَبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَمَحْجُوبُونَ

маъноси: Пайгамбаримиз Мухаммад Аллоҳни калби билан курди. Аллоҳ Пайгамбаримизни юрагида куч- кувватни яратди. Пайгамбаримиз Аллоҳни кузлари

билан курмади чунки Аллоҳ бу дунёда кузлар билан курилмайди. Пайгамбаримиз хадисда билдирадики:

إِنَّكُمْ لَنْ تَرَوْا رَبَّكُمْ حَتَّى تَمُوتُوا

маъноси: «Билингизки Роббингизни улмагунингизча курмайсиз» Аллоҳ охират хаётида адабий кузлар билан курилади яъни жойсиз шаклсиз маконсиз ва масофасиз. Пайгамбаримиз Мухаммад Меърож кечасида Аллоҳни калби билан курди. Имом Ат-Табароний ва имом ибн Хузаймадан ривоят килинган ибн Аббос айтганки: «Пайгамбаримиз Мухаммад соллоллоху алайхи васаллам Аллоҳни икки мартаба калби билан курди.»

Такдирга имон.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى آلِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Имом Муслимдан ривоят килинган бир хадисда Пайгамбаримиз шундай буюради:

الإِيمَانُ أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ

маъноси: «Имон бу- Аллоҳга унинг Фаришталарига Китобларига Пайгамбарларига охират кунига ва яхшилик ва ёмонлик такдир килинганига ишонишдир. Бу дунёда агар Аллоҳ хохламаса ҳеч нарса уз-узидан булмади инсонлар билан боғлиқ нима булса ҳам яхшилик ва ёки ёмонлик соғлиқ ёки касаллик камбағаллик ёки бойлик ва ёки бошқа ҳамма нарса Аллоҳни хохиши ва такдири билан булади. Пайгамбаримиз соллоллоху алайхи васаллам баъзи кизларига бу дуони ургатган:

مَا شَاءَ اللَّهُ كَانَ وَمَا لَمْ يَشَأْ لَمْ يَكُنْ

маъноси: «Аллоҳ нимани хохлаसा булади ва нимани хохламаса булмади» Бу хадис Абу Доуддан ривоят килинган. Аллоҳ Ан-Нахл сурасининг 93-оятда буюрадики:

يُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ

«Аллоҳ истаганини тугри йулдан оздиради ва истаганини тугри йулга хидоят килади.» Адашган окимлардан бири –уларни раҳбари ҳозирги пайтда Дамашкда яшаётган Абдул Хади Ал-бани ва унга ишонган инсонлар айтадиларки: Агар инсон тугри йулни истасагина Аллоҳ унга тугри йулни курсатади. Агар у тугри йулдан айрилса Аллоҳ уни тугри йулдан адаштиради. Уларни сузларига кура Аллоҳни хохиши инсонни хохишига боғлиқдир. Улар бу оятни инкор киладилар. Аллоҳ Ат-Таквир сурасининг 29-оятда буюради:

وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ

«Сизни хохишингиз агар Аллоҳ хохласагина булади» Яна бир оятда :

وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَى أَمْرِهِ

маъноси: «Аллоҳ нимани хохласа шуни килади.» Агар Аллоҳ гуноҳкор инсонларни жазоласа бу Аллоҳни адолати эканлигига ишониш фарздир. Аллоҳ ҳеч кимга зулм қилмайди. Аллоҳ ибодат қилгувчиларни неъматлантурса бу Аллоҳни раҳматидир. Аллоҳни сурок қилинмайди. Аллоҳ уз мулкида истаганини килади чунки Аллоҳ бу оламни яратгувчиси ва эгасидир. Аллоҳ инсонларни Исломига даъват қилишлари ва уларга динни ургатишлари учун ер юзига Пайгамбарлар юборди. Аллоҳ билдирдики баъзи инсонлар ва жинлар қилган ёмон амаллари сабабли дузахга тушадилар. Аллоҳ азалий ва абадий илми билан билдирганки улар имон қилмайдилар. Аллоҳ Куръонда билдирган:

وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدَاهَا وَلَكِنْ حَقَّ الْقَوْلُ مِنِّي لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ

маъноси: Агар Аллоҳ хохласа эди тугри йулни ҳаммага курсатарди аммо Аллоҳ билдирдики дузахни инсонлар ва жинлар билан тулдиради. Бу тугридир чунки Аллоҳни истаги узгармайди. Аллоҳ Куръонда буюради:

لَا يُسْئَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْئَلُونَ

маъноси: «Аллоҳдан суралмайди қилган амаллари учун улардан суралади.» Аллоҳ ҳамма нарсани яратгандир яъни йукдан бор қилган. Яхшиликни ҳам ёмонликни ҳам Аллоҳ яратган. Аллоҳ яхшиликни севади ва яхшиликка амр

килади. Аллоҳ бизга намоз укишни руза тутишни ва яхши ахлокли булишни амр килади. Аллоҳ ёмонликни яратди ва Аллоҳ ёмонликни севмайди ва амр килмайди. Яъни Аллоҳ ичкилик ичишни зино килишни ёлгон сузлашни угирлик килишни ва шу каби ёмон ишларни килишга амр килмайди. Агар кимки Аллоҳ харом ишларга амр килади деса диндан чикиб кофир булади ва дархол калимаи шаҳодатни айтиб динга кириши керак.

Кадр кечаси.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْفَرَشِيِّ وَعَلَى ءَالِهِ وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ، وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ، لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ ،
تَنْزَلُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِنْ كُلِّ أَمْرٍ ، سَلَامٌ هِيَ حَتَّى مَطْلَعِ الْفَجْرِ

Бу муборак азим сурада Кадр кечасини шони буюк эканлиги яккол куринади. Бу муборак кечада Аллоһни амри билан Жаброил алайхиссалом Куръони Каримни бир дафада Лавхул Махфуздан олиб биринчи осмондаги Байтул –ъиззах деген уйга туширди. Пайгамбаримиз айтганки:

"أَنْزَلْتُ التَّوْرَةَ لَيْلَةَ مَضِيْنٍ مِنْ رَمَضَانَ وَأَنْزَلَ الْإِنْجِيلَ لَيْلَةَ ثَلَاثِ عَشْرَةَ خَلَّتْ مِنْ رَمَضَانَ
وَأَنْزَلَ الْفُرْعَانَ لِأَرْبَعٍ وَعِشْرِينَ خَلَّتْ مِنْ رَمَضَانَ"

маъноси: Рамазонни олтинчисида Таврот ун учинчисида Инжил ва йигирма туртинчисида Куръон туширилган.» Бу хадис ва оятлардан шуни тушунамиз Куръон рамазоннинг йигирма туртинчисида туширилди ва бу кеча Кадр кечасидир. Кадр кечаси Рамазонни йигирма еттинчисида ва ёки йигирма туккизинчисида булиши номаълумдир. Аммо купинча Кадр кечаси Рамазон ойини 27-чи ва ёки 29-чи кечасига тугри келади. Пайгамбаримиз айтганки:

"قَالَتْمِسْوَاهَا فِي الْعَشْرِ الْأَوَاخِرِ"

маъноси: «Кадр кечасини Рамазонни охирги ун кунлигида кутингиз. Чунки энг куп охирги ун кунлигига тугри келади.» Кадр кечаси Рамазонни биринчи иккинчи ва ёки хар кандай кунига тугри келиши мумкин. Кадр кечасини яширин номаълум булишини хикмати эса инсонни яна хам купрок ибодат килишига ишоратдир. Жаброил алайхиссалом Байт ул иззах (иззат уйидан) оят ва сураларни ходиса ва сабабларга кура Пайгамбаримизга етказа бошлаган. Кадр кечасини тонгида Жаброил алайхиссалом Куръондан илк оятларни яъни «Алак» сурасидан бешта оят туширди. Куръони Карим 23 йил давомида ходиса ва сабабларга кура Пайгамбаримизга нозил килинган. Куръондаги барча оят ва суралар Пайгамбаримизга нозил қилингандан кейин Пайгамбаримиз соллоллоху алайхи васаллам сахобаларга Куръонни тартиби билан укишни ургатган. Аллоһ Кадр сурасида билдиради:

وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ

маъноси: Кадр кечасини шони буюқдир.

لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ

Маъноси: Ичида Кадр кечаси булмаган минг ойданда хайрлидир. Бу муборак Кадр кечасида ибодат килмок жуда савоблидир. Кадр кечасини кимки тушида курса хайрлидир аммо Кадр кечасида бу фазилатли кечани аломатларини куриш унданда хайрлидир. Бу кечани аломати Куёш нурига ой нурига ёки электр ёруглигига ухшамайди. Бу кечада Аллоһни кудрати ила кеча ойдин булади ва жуда гузал бир холатда булади. Яна бу кечани аломатларидан дарахтларни сажда килганини куриш ёки Фаришталарни овозларини эшитиш ва ёки фаришталарни асл холида 2-3-4-канотли ва унданда куп канотли холида куриш мумкин. Агар кимки бу кечани

аломатларини курса ибодатларини давом килдириши керак ва бу ибодатларини жуда куп савоби ва баракати бордир. Пайгамбаримиз соллоллоху алайхи васаллам айтганки:

لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ

маъноси: Кадр кечасини Аллоҳ розилиги учун намоз укиш билан утказган инсонни барча гунохларини Аллоҳ магфират килади. Кадр кечасида намозни оз укиса хам куп укиса хам савоби бордир. Кимки Кадр кечасини аломатларини курса уни дуоси кабул булади. Баъзи инсонлар бу кечани аломатларини куриш учун ибодатлар килиб бу кечани кутдилар ва бу кечани аломатларини куриш уларга насиб килди. Улар истаган нарсаларини дуо килдилар ва улар бахтли булдилар. Чунки бу кечани аломатлари курилган замон килинган дуо кабул булади. Аллоҳ Куръонда буюради:

تَنْزَلُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِنْ كُلِّ أَمْرٍ

Маъноси: «Кадр кечасида Жаброил алайхиссалом бир неча фаришталар билан ер юзига тушади»

Пайгамбаримиз хадисда айтади:

إِذَا كَانَتْ لَيْلَةُ الْقَدْرِ نَزَلَ جِبْرِيلُ فِي كَبْكَبَةٍ (أَيِ جَمَاعَةٍ) مِنَ الْمَلَائِكَةِ يُصَلُّونَ وَيُسَلِّمُونَ عَلَى كُلِّ عَبْدٍ قَائِمٍ أَوْ قَاعِدٍ يَذْكُرُ اللَّهَ فَيَنْزِلُونَ مِنْ لَدُنْ غُرُوبِ الشَّمْسِ إِلَى طُلُوعِ الْفَجْرِ

Маъноси: «Кадр кечасида куёш ботгандан токи тонг отгунига кадар Жаброил алайхиссалом бир неча фаришталар билан ер юзига тушади ва ибодат килаётганларни Аллоҳни зикр килаётганларни зиёрат килдилар ва уларга салом берадилар.» Аллоҳ бу кечада Фаришталарга бир йил ичида нима ходисалар ва воқеалар руй беришини ким канчалик ризк олади ва кимлар тугилади ва кимлар улади ва шу каби нарсаларни билдиради. Баъзилар айтадиларки Аллоҳ буларни Фаришталарга Шабон ойини уртасида булган кечада билдиради. Бу ноътугрдир. Бу ходиса факат Кадр кечасида содир булади. Аллоҳ Жалла Жалаллуху

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةٍ مُبَارَكَةٍ إِنَّا كُنَّا مُنذِرِينَ ، فِيهَا يُفْرَقُ كُلُّ أَمْرٍ حَكِيمٍ

Абдуллох ибн Аббос бу оятларни тафсир килган ва айтган бу кеча Кадр кечасидир. Бу кечада Куръон нозил килинган ва бу кечада бир йил ичида ер юзида нималар булишини Аллоҳ фаришталарга билдиради. Яна «Кадр» сурасида Аллоҳ буюрадики:

سَلَامٌ هِيَ حَتَّى مَطَلَعِ الْفَجْرِ

маъноси: Бу кечада ибодат килган авлиёларга муминларга кун ботгандан тонг отгунича шайтон зарар беролмайди ва улар саломат холда буладилар. Ойша онамиз Аллоҳ ундан рози булсин бир кун Пайгамбаримиздан суради: «Ё Расулulloх кадр кечасини идрок килсам кандай дуо укишим керак?» шунда Пайгамбаримиз:

اللَّهُمَّ إِنَّكَ عَفْوٌ تُحِبُّ الْعَفْوَ فَاعْفُ عَنِّي

«Ё Аллоҳ сен кечиргувчисан кечирмокни севасан мени магфират қил.» деган дуони айтган. Пайгамбаримиз Рамазон ойида ва бошка вақтларда бу дуони жуда куп маротаба уқиган:

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

«Пайғамбарлар яратилганларни энг афзалидирлар»

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةَ وَالسَّلَامَ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الْقُرَشِيِّ وَعَلَى آلِهِ
وَصَحْبِهِ الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَعَلَى جَمِيعِ إِخْوَانِهِ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ.

Аллоҳ Пайғамбарларни барча яратилганлардан устун ва шарафли қилди. Аллоҳ «Аз-Зариёт» сурасининг 56 оятида буюрадики:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

«Аллоҳ жинларни ва инсонларни яратди ва амр қилди узига ибодат этсинлар дея

Бу оятдан тушуниладики жинлар ва инсонлар яратилди ва Аллоҳга ибодат этишлари учун амр қилинди. Аллоҳ буюрганларини ва таъқиқлаганларини инсонларга билдириш ва ургатиш учун Аллоҳ инсонларни ичидан пайғамбарлар ва расуллар сайлади. Пайғамбарлар инсонларни орасида энг хайрли, энг устун, энг солих, энг ақлли ва энг жасур инсонлардир. Барча пайғамбарлар инсонларни ислом динига даъват қилганлар ва уларга динни ургатганлар. Аллоҳ «Ал-Анъом» сурасининг 86-оютида буюрадики

وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ

Маъноси: Аллоҳ бутун пайғамбарларни яратилганлардан устун қилди. Бу оят бизга Пайғамбарларни Фаришталардан, авлиёлардан, жинлардан ва барча яратилганлардан устун ва фазилатли эканликларини билдиради. Хар бир мусулмон буни билиши ва имон этиши фарздир. Баъзи инсонлар Пайғамбар булмаганларни ва ёки солих инсонларни Пайғамбарлар даражасига ёки унданда юксак даражаларга чиқарадилар. Бу ноътуғридир ва бунга ишонганлар Исломдан чиқадиладар. Аллоҳ бизларни бундай хатолардан асрасин. Пайғамбарларни даражаси алохида, Фаришталарни даражаси алохида, Авлиёларни даражаси алохида булиб хар бирига қайси даража ва устунлик лойик булса у шаклда даражалари ва устунликларини билиш керак. Пайғамбарлар хакида билиш ва имон этилиши фарз булган нарса бутун Пайғамбарлар яъни Одам алайхиссаломдан Мухаммад алайхиссаломгача келган барча Пайғамбарлар ислом дини билан келганлар ва ислом динини ургатганлар. Аллоҳ Таала «Аали-Имрон» сурасининг 19 оютида буюрадики:

إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ

Маъноси: «Аллоҳ нозил қилган хақ дин исломдир»

Аллоҳ Таала «Ал-Моида» сурасининг 3 оютида буюрадики:

وَرَضِيتُ لَكُمْ الْإِسْلَامَ دِينًا

Маъноси: «Аллоҳ қулларига рози булган хақ дин Исломдир.» Аллоҳ Таала «Аали-Имрон» сурасининг 85 оютида буюрадики:

وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ

Маъноси: «Кимки ислом динидан узга динга ишонса ундан қабул булмади ва у охиратда зиён кургувчилардандир». Бу оятларни барчаси Пайғамбарларни Ислом дини билан келганликларига далилдир. Исломдан бошка барча динлар ноътуғридир. Баъзи китобларда туғри булмаган динларни «Самовий динлар» дейишмоқда. Бундай демок куфрдир. Чунки фақат ислом дини «Самовий диндир». Муса алайхиссалом фақат Ислом динига даъват этган. Унга имон этганларга «Мусулмон Мусавий» деб айтилади. Иса алайхиссалом фақат Ислом динига даъват этган. Унга имон этганларга «Мусулмон

Исавий» дейлади. Пайғамбарлар хақида билиш ва имон этиш фарз булган нарса бу- Пайғамбарлар факат узларига лойик гузал ва устун булган сифатларга сохибдирлар. Аллоһ уларни Пайгамбарларга хос булмаган камчилик ва сифатлардан саклаган.

Пайғамбарларга лойик булган сифатлар:
***Зако сифати:** Барча Пайғамбарлар ақллидирлар. Пайгамбарларни орасида ақлсизлари хеч қачон булмаган. Аллох уларга шундай ақл берганки, хатто Пайғамбарларни берган далиллари қаршисида душманлар хайратга тушганлар. **Жасорат сифати:** Пайғамбарлар яратилганларни орасида энг жасур инсонлардир. Улар душманлик қилган кофирлардан асло қурқмаслар ва қочмаслар. Хатто сахобалар жиходни энг шиддатли вақтида пайғамбарни орқасидан юришганини айтишган. Бу пайғамбарларни на кадар жасур булганликларига далилдир.

***Иффат сифати:** Барча пайғамбарлар номуслидирлар ва шарафлидирлар. Улар хеч бир аёлга ёмон ният билан қарамаслар. Улар хеч қачон узларини уялтирадиган нарса қилмаганлар.

***Омонат сифати.** Барча Пайғамбарлар ишончлидирлар. Улар хеч қачон омонатга хиёнат қилмаганлар. Улар асло алдамаганлар ва ишончли инсонлардир. Барчамизга маълумки Аллоһни расули Мухаммад алайхиссалом пайғамбарлик вазифасини олмасидан олдин инсонлар орасида туғри сузли, гузал ахлоқли ва ишончли инсон булгани учун уни «Мухаммад Ул-Амин» деб чақирганлар. Пайғамбаримизни вақтида яшаган баъзи мушриклар узларини қимматбахо буюмлари ва олтинларини унга омонатга берганлар. Пайғамбарлар шундай устун даража ва гузал ахлоққа эгадирлар.

***Исмаат сифати:** Аллоһ барча пайғамбарларни пайғамбарликдан олдин ва кейин куфрдан катта гунохлардан ва ҳақларида қиймат даража туширадиган кичик гунохлардан саклаган. Яъни пайғамбарлар бир узум донасини сохибидан рухсатсиз олиб емаслар. Аммо ҳақларида хато саналган ва қиймат даража туширмайдиган баъзи хатоларга пайғамбарлар тушганлар. Масалан Одам алайхиссалом дарахт мевасидан егани каби;

***Таблиц сифати:** Аллоһ пайғамбарларга ниманики билдирган булса пайғамбарлар бу амрларни хатосиз камчилик ва нуқсонсиз инсонларга билдирганлар ва ургатганлар. Аллоһ уларга нимани билдирган булса улар камайтирмасдан ва купайтирмасдан инсонларга билдирганлар. Пайғамбарлар 2-қисмга булинади: **НАБИЙ ва РАСУЛ.**

РАСУЛ - бу узига янги шариат қонуни вахий қилинган инсондир. **.НАБИЙ** – узидан олдинги Расулни шариатини давом эттиради. Хар расул набийдир ва хар набий расул эмас. Баъзи инсонлар пайғамбарлар хақида ёлғон хикоя ва сузлар айтадилар. Буларни баъзиларини билишингиз учун сизларга билдирмоқчимиз. Баъзилари Одам алайхиссалом хақида айтадиларки : У - Маймун булган ва ёки маймунга ухшаган гапиришни билмасди дейдилар. Бу ёлғон ва куфрдир. У илк расул ва пайғамбардир. Аллоһ Таала Одам алайхиссаломга болаларига шуларни ургатишни билдирган: Нима халол эканини ва нима гунохлигини, қандай яшашликларини, қандай овқатланишлари ва қандай экин экишликларини;

Буларни барчаси Одам алайхиссаломни ақлли, гузал юзли ва гапириб биладиган шарафли инсон булганлигига далилдир..

Иброхим алайхиссалом хеч қачон қуёшга, ойга ва юлдузга ибодат қилмаган у бутпараст булмаган. У хеч қачон Аллоһни кудратига шубха этмаган. Иброхим алайхиссалом қуёшга, ойга, юлдузга, бутларга сиғинадиган инсонларни Ислом динига даъват

этган. Иброхим алайхиссаломни бутпараст булган қуёшга, ойга, юлдузга сиғинган деб айтганлар ёлғончидир ва кофирдирлар. Довуд алайхиссалом бир қумандонни хотинига ёмон ният билан қарамаган ва у қумандонни улдиртиришга буюрмаган. Пайғамбарларга бундай ёлғон тухмат қилган инсон Исломдан чиқади ва кофир булади. Юсуф алайхиссалом хеч қачон зинога ният қилмаган ва у зино қилмаган. Аллоһ Пайғамбарларни бундай гунохлардан сақлаган. Аййуб алайхиссалом хеч қачон қуртламаган ва у одамлар жирканадиган касал булмаган. Аллоһ уларни одамлар жирканадиган касалликлардан сақлаган. Исо алайхиссалом хеч қачон ичкилик ичмаган. Чунки Аллоһ Пайғамбарларни бундай гунохлардан сақлаган. Аллоһ барчамизни комил имон билан вафот килдирсин.